

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**БАРҚАРОР БИРЛИКЛАР ТИЗИМИДА МАҚОЛНИНГ ЎРНИ**

**Жўраева Бибиш Мухсиновна**

Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти

**For citation:** Juraeva Bibish. Place of proverb in the system of stable units. International Journal of Word Art. 2019, vol. 1, issue 3, pp. 20-28



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-3>

*Келиб тушган сана 14 ноябрь, 2019*

*Эълон қилинган сана 31 март, 2019*

---

**ANNOTATION**

Ушбу мақолада мақол ва идиома, мақол ва ибора, мақол ва матал ўртасидаги муносабат, уларнинг ўхшаш ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Мақол кўчма маъно ифодалашига кўра идиоманинг гап-идиома турига кириши ва шу хусусияти асосида ибора билан бирлашиши; аммо этимологик, маъновий, синтактик ва идиомалашига кўра ундан фарқ қилиши; мақол ва матал бирининг кўчма маъно ифодалашини, иккинчисининг эса бу хусусиятга эга эмаслиги билан тафовутланиши, улар ўртасида мақол-матал типидagi учинчи бирлик мавжуд эканлиги мисоллар ёрдамида далилланган. Мақол-матал типидagi паремаларда мақоллик ва маталлик хусусияти, яъни ўз ва кўчма маънонинг ёнма-ён келиши, шу туфайли бундай паремалар оралиқ учинчи мавқеда туриши асослаб берилган.

**Таянч сўзлар:** Мақол, матал, ибора, идиома, мақол-матал, парема.

---

**МЕСТО ПОСЛОВИЦЫ В СИСТЕМЕ УСТОЙЧИВЫХ ЕДИНИЦ**

**Джураева Бибиш Мухсиновна,**

Доцент кафедры узбекского языкознания, БухГУ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматривается связь узбекских народных пословиц и объединённым с ними событиями; то есть отношения между пословицей и идиомой, пословицей и фразой, пословицей и притчей, их схожестью и особенностями. Пословица по переносимости значения состоит в том, что идиома является типом предложение-идиомой и что она сочетается с фразой; но он отличается от этимологически, по смыслу, синтаксически и идиоматически различающийся; из пословицы и притчи один имеет переносимое значения, но другой отличается от первого тем что не имеет этой характеристики, и с помощью примеров обоснован третий тип пословица-притча. Предоставлено достаточно обоснованное представление о типе парем пословица-притча и их характеристика между пословицей и притчей, то есть совместно идущие переносное и

прямое значение, благодаря этому глубокому обоснованию эти паремы должны находиться в третьем промежуточном положении.

**Ключевые слова:** Пословицы, притчи, фразы, идиомы, паремы пословица-притча.

## PLACE OF PROVERB IN THE SYSTEM OF STABLE UNITS

**Juraeva Bibish Muhsinovna,**

Associate Professor, Department of Uzbek Linguistics, BukhSU

## АННОТАЦИЯ

This article discusses the connection of Uzbek folk proverbs and the events associated with them; that is, the relationship between proverb and idiom, proverb and phrase, proverb and parable, their similarity and features. The proverb for portability is that an idiom is a sentence-idiom type and it is combined with a phrase; but it differs from etymology, its meaning, syntax and idiomatic differentiation; from a proverb and a parable, one has a translatable meaning, but the other differs from the first in that it does not have this characteristic, and with the help of examples the third type of proverb-parable is justified. A sufficiently substantiated idea of the type of a parem is a proverb-parable and their characteristic between a proverb and a parable, that is, a joint metaphorical and direct meaning, thanks to this deep rationale, these parems should be in the third intermediate position.

**Keywords:** Proverbs, parables, phrases, idioms, proverb-parable parems.

**М.** Кошгарийнинг "Девону луготит турк" асарида келтирилган мақолларни тил нуқтаи назаридан тадқиқ этиш масаласи ўзбек тилшунослигида ҳозирга қадар кун тартибидан тушган эмас.

Борлиқдаги ва тилимиздаги ҳар бир ҳодиса каби мақоллар ҳам серқирра бўлиб, ўзининг хусусиятлари билан тилимиздаги турли бирликларга гоҳ яқинлашиб, гоҳида улардан узоқлашиб, алоҳидаликни ташкил этади. Мана шунинг учун ҳам улар тилимизда ва фанимизда ўзига хос ҳодиса сифатида қаралади, мақол дея хусусий ном олади.

Ҳозирги кунда фандаги мунозарали масалалардан бири мақолларнинг лисоний мавқеи, унинг халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари ва тил бирликларидан

фарқли жиҳатларини аниқлаштиришдан иборат. Чунки қайсидир бирлик ҳақида фикр юритилар экан, аввало, унинг чегараси, қамров доирасини аниқлаш керак бўлади. Мақолларнинг моҳияти эса улар ёндош бўлган ҳодисалар билан муносабатда очилиши ва тушунилиши мумкин.

Маъноси таркибидаги луғавий бирликларнинг асл маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолида бир кўчма маъно берувчи сўз ёки сўзлар боғланмаси идиомалардир [18, 26].

Идиома тузилишига кўра сўз, сўз бирикмаси, гапга тенг бўлиши мумкин (бирикмага ёки гапга тенглик ҳақида гапирганда идиоманинг ички синтактик қурилиши назарда тутилади):

|        |                                       |  |
|--------|---------------------------------------|--|
| ИДИОМА | Сўз-идиома (сўзлар):                  | тулки, латта, туллак.  |
|        | Сўз бирикмаси идиомаси (иборалар):    | туёғини шикиллатмоқ, юрагини ёрмоқ, амманнинг бузоғи, итнинг кейинги оёғи.                                       |
|        | Гап-идиома (ибора ва барча мақоллар): | тарвузи қўлтиғидан тушмоқ; ковоғидан кор ёғмоқ; сичкон сигмас инига, ғалвир боғлар думига; темирни кизиғида бос. |

Маъноси таркибидаги луғавий бирикларнинг туб маъносига боғлиқ бўлмаган сўзлар сўз-идиомалардир. Тузилиши жиҳатдан сўз бирикмасига тенг келувчи идиомалар таркибига фразеологик бирикларнинг катта қисми мансуб. Баъзи иборалар ички тузилиши жиҳатдан гапга тенг келади. Улар учинчи турга - гап-идиома гуруҳига киради. Гапга тенг келувчи фразеологик бириклар билан бир қаторда мақоллар ҳам худди шу гуруҳга мансубдир. Ана шу учинчи нуқтада ибора ва мақол бирлашади. Аммо бу ҳолат уларнинг бошқа фарқларини инкор этмайди.

Ибора тилининг алоҳида бирлиги бўлиб, тузилишига кўра эркин боғланма ёки гапга тенг, тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган образли, тургун сўз бирикмаларини ўз ичига олади [13, 11].

Фразеология таркибида ўрганилаётган мақол, матал, афоризм, ҳикматли сўз, топшиқоқлар алоҳида ўрганилиши лозим бўлган мавзулардир [13, 11].

Аммо шунга қарамаздан, тилшуносликда ибораларнинг қамров доирасини кенг (З.Г.Ахмедова, А.Ш.Трахова [2, 34-41], А.А.Насиров [15, 248], Л.Э.Холмурадова [22, 144]) ва тор (А.Э.Маматов [13, 11], Т.Г.Бочина [6, 50], М.В.Порхошовский [16, 30], Ш.А.Ганиева [8, 155]) доирада тушуниш ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Бугунги кунга қадар жаҳон халқлари тилшунослиги ва фольклоршунослигида мазкур паремик жанрлар (мақол, матал, юмуқ иборалар)нинг ўзаро фарқлари ҳамда қоришиқ жиҳатлари кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда [15, 13].

**Мақол ва ибора ўртасидаги фарқни тўрт йўналишда кузатиш мақсадга мувофиқ:**

Этимологик жиҳатдан мақол ва ибора орасидаги фарқ. "Одатда, мақолни, - деб ёздади профессор Б.М.Карриев, - дастлаб ўтқир кузатувчанлик ва ўз фикрини бир неча сўз билан равшан ифодалаб бериш қобилиятига эга бўлган бир киши тўқиб чиқаради. Ўринли ифодаланган бу фикр, дастлаб индивидуал бўлган бу хулоса кейинчалик жамоа томонидан қабул қилиниши, қўлланиши, қайта ишланиши, сайқалланиши мумкин. Бу эса мақолнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай мақол даставвал аниқ воқеага, айрим, ягона бир

ҳолга бағишланган бўлади. Ўринли айтилган гап омма орасида қандай ишлатилишига қараб, аста-секин кенг умумлашма маънога эга бўла боради" [10, 16]. Бунда муҳим бўлган белгилар қуйидагича:

Биринчидан, мақол шунчаки сўзлар тизмаси бўлмай, балки ўтқир кузатувчанлик асосида вужудга келган фикрларнинг хулосаси бўлиши (фразеологизм учун эса, одатда, тайёр сўз тизмаларининг кўчма маъно ифодаланиши ва шу ҳолатда тургун сўз боғланмасига айланиши) лозим;

иккинчидан, бу хулоса жамоатчилик томонидан тасдиқланиши шарт.

Буларга қўшимча равишда яна шунини айтиш керакки, юқоридаги икки шартга жавоб берувчи ибратли фикр ихчам, мукамал, бадий жиҳатдан пухта, кристал шаклга эга бўлиши лозим. Демак, мақол ибора сингари тайёр тил бирлиги эмас, балки омма томонидан яратилган кичик жанрли бадий асардир.

Одатда, инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган, мавjud борлиқнинг аниқ ҳодисаларини ифодалайдиган эркин сўз боғланмаларидан иборалар вужудга келади. Бу жараёни рус олими Б.А.Ларин қуйидагича тушунтиради: "Иборалар асосида таркибига кўра тўлиқ, грамматик қурилишига кўра мўътадил бўлган нутқ оборотлари ётади. Ўз маъносида қўлланувчи бу бирикмалар маъновий ўзгаришга учрайди: аниқликдан мавҳумликка, хусусийликдан умумийликка томон боради" [12, 200].

В.Г.Костомаров ва Е.М.Верещагинлар "засучив рукава" (енг шимариб) иборасининг келиб чиқишини қуйидагича шарҳлайдилар: "Бу ибора қадимги русда кийилган устки кийим билан боғлиқ бўлиб, бу кийим узун ва кенг энгли қилиб тикилардики, у тиззагача, баъзан оёқ товониғача етарди. Бу кийим русларнинг совуқ об-ҳавосига мослаштирилган эди. Узун энглар қайсидир маънода қўлқоп ўрнини босарди. Бу узун туширилган энглар билан бирор-бир ишни бажариш амримаҳол эди, шунинг учун аввал уларни шимариб, сўнг ишга киришиларди" [21, 7].

Бу кийимлар аллақачон йўқолиб кетган бўлиб, ҳозирги кунда энг шимармасдан туриб ҳам иш бажариш мумкин, аммо "енг

шимариб" бирикмаси таркибидаги сўзлар ўзининг туб маъносини йўқотиб, кўчма маъно касб этган ва идиомага айланган. Шу тариқа ибора вужудга келган. Аммо барча ибораларнинг асосини эркин боғланма ёки гап ташкил этади, дейиш шартли бўлиб, бу хусусда филология фанлари доктори А.Маматовнинг тадқиқотида батафсил маълумот берилган [13, 317].

Маъновий жиҳатдан мақол ва ибора орасидаги фарқ. Кўпгина эркин сўз бирикмалари кўчма маъно ифода этиб, шу ҳолатда қотиб қолиб иборага айланган бўлса-да, баъзан ўзининг тўғри маъносида ҳам ишлатилади ва бунда у фразеологик белгилардан бутунлай холи бўлади, яъни эркин сўз бирикмаси ҳисобланади. Масалан: Зулфия кўйлаги ҳўл бўлмасин учун, аввал енгларини шимариб, сўнгра ишга киришди.

Мақол таркибидаги сўзлар тизмаси эса мақоллик ҳолатидан бошқа пайтларда айнан шу шаклда учрамайди. Шунинг ўзи ҳам мақоллар тайёр тил бирлиги эмас, балки кичик ҳажмли маҳкам ёпинган ўрмон кесувчилар изгирин совуқда енг шимариб меҳнат қилмоқдалар.

Фразеологик бирикмада баъзан идиоматик маъно билан туб маъно бир-бирига қарама-қарши келиб қолиши мумкин: Кўлларигача маҳкам ёпинган ўрмон кесувчилар изгирин совуқда енг шимариб меҳнат қилмоқдалар.

**Мақолларда эса гоҳида мақолнинг идиоматик маъноси мақол таркибидаги сўзларнинг асл маъносига мос келиб қолади:**

- Укамнинг аҳволи қандай? - деб сўради.

- Кўзини очмайди. Тезроқ бирор эшон топиб ўқитиш, тумор қилдириб тақиш керак, — деди Меҳроҳ.

- "Агар касал соғайдиган бўлса, табиб ўзи келиб қолади" дейдилар. Дарвозли машҳур Султонхон эшон бу кеча қишлоғимизга... меҳмон бўлиб келган. Бунинг ўзи касалнинг соғайиш аломатидир. [1, 36]

Бундай ҳолатни кўпгина олимлар мақолларнинг ўз маъносида ишлатилиши деб белгилайди [5, 286; 9, 536; 19, 232].

Бизнингча, худди шундай пайтларда ҳам мақоллар таркибидаги сўзлар ўз маъносида ишлатилмайди. Балки идиоматик маъно, бари бир, ҳукмрон бўлиб қолаверади. Рус олимлари В.Г.Костамаров ва Е.М.Вереща-

гинлар иборалар семантикасини иккига бўлишади:

1. Синхроник жиҳатдан икки планли фразеологик бирикмалар.

2. Диахроник жиҳатдан икки планли фразеологик бирикмалар [21, 8].

Синхроник жиҳатдан икки планли фразеологик бирикмаларда ўқувчи иборанинг у ёки бу маъноси қандай келиб чиққанлигини осонгина изоҳлаб бера олади. Чунки ибора таркибидаги сўзларнинг туб маъноси ўқувчига тушунарли бўлади. Масалан: тепа сочи тикка бўлмоқ, оғизга тушмоқ, оёқ ости қилмоқ. Бундай сўз бирикмалари семантикаси айни кунларда ҳам икки планли бўлиб қолаверади.

Иккинчи бир гуруҳ фразеологик бирликлар мавжуд бўлиб, улар диахроник нуқтаи назардан маъновий икки планлиликни ташкил этади. Яъни ибора асосида ётувчи сўз бирикмасининг ўз маъноси ўқувчига тушунарли бўлмай, фақатгина идиоматик маъносигина англанилади, холос. Масалан: "попуги пасайиб қолмоқ" иборасининг яратилиш тарихи куйидагича: подшолар, хонлар, амирлар ҳукмронлик қилган даврда бир шахс янги амалга тайин қилинар экан, унинг бош кийимига мансабига қараб қўш патидан қилинган жиға-попук санчар эдилар. Катта мансабдорлар қимматбаҳо оқ қўшнинг патидан қилинган жиға-попукни, кичикроқ мансабдорлар эса уққининг патидан қилинган калта жиға-попукни бош кийимларига санчиб юрар эдилар. Юқори мансабдор ўз амалидан олиниб, пастроқ амалга қўйилса, унинг бош кийимидаги жиға-попути ҳам калтароқ патдан бўлар эди. Буни кўрган кишилар ўзаро "амалдорнинг попути пасайиб қолибди-ку" - дер эдилар [24, 77-78]. Бу ҳозирги вақтда тилимизда қўлланиб келаётган "попути пасайиб қолмоқ" иборасининг яратилиш давридаги тўғри маъноси дур.

Худди шундай таснифни мақолга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Демак, мақол ҳам маъновий икки планлилик хусусиятига эга. "Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди", "Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади", "Нима эксанг, шуни ўрасан", "Темирни қизигида бос" каби мақоллар

маъновий жиҳатдан синхроник икки планлиликни ташкил этади. Яъни мақол таркибидаги сўзларнинг туб маъноси ҳам, умумий кўчма маъноси ҳам ўқувчига кундай равшан.

"Сояга қараб тўн бичма", "Сирка сўрашга ҳам силиқа керак", "Отаси бошқа, отдан туш, оталашим, отга мин", "От чачаси узунлиги - ўзига зарар", "Ёмон ҳўкиз шамён синдирар" каби мақоллар эса диахроник нуқтаи назардан маъновий икки планлиликни ташкил қилади. Яъни мақол таркибидаги сўзларнинг асл маъноси ўқувчига тушунарли эмас. Масалан: "Сояга қараб тўн бичма". Бу мақолнинг тўғри маъноси шуки, ўтмишда ислом хотин-қизларнинг бегоналарга, яъни "номаҳрам"ларга кўринишини қатъиян ман қилган. Кийим бичувчи-тикувчиларнинг аксарияти эркаклардан бўлган. Ҳўш, хотин-қизларга тикиладиган кийимни қандай ўлчаб, бичиб олиш керак? Бунинг чорасини топганлар: хотинни ё қизни парда орқасига кўйиб, шу пардага тушган сояга қараб ёхуд баланд жойга чиқазиб, ерга ё сувга тушган сояга қараб кийим бичганлар. Бунда, албатта, кийим қоматга жуда мос бўлиб, ёпишиб тушмаган. Бу ҳол юқоридаги мақолнинг туғилишига сабабчи бўлган". [26, 375]

**Олимларимиз ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланувчи мақоллар деб юритаётган паремалар синхроник томондан маъновий икки планлиликни ташкил этувчи мақоллардир ва иборалардан фарқли ўларок, бундай мақоллар ўз маъносида ҳам, кўчма маъносида ҳам ҳақиқат ҳисобланади. Масалан, қуйидагиларни чоғштиринг:**

боши кўкка етмоқ; дунёни сув босса, тўпигига чиқмаслик; оғзи қулоғига етмоқ; оёғи осмондан келмоқ.

Гуруч курмаксиз бўлмайди, Ёлғиз қўлдан товуш чиқмас, Курбақани боссангиз "вақ" дейди, Бир қинга икки қилич сўғмас.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, "Сояга қараб тўн бичма", "Сирка сўрашга ҳам силиқа керак", "Отаси бошқа, отдан туш, оталашим, отга мин", "От чачаси узунлиги - ўзига зарар", "Ёмон ҳўкиз шамён синдирар" каби мақоллар қачонлардир ўз маъносида ишлатилувчи маталлар саналган ва аста-секин маънонинг

идиомалашуви натижасида мақолга ўтган, умумийлик касб этган, фалсафийликка эга бўлиб, фикрнинг хулосасига айланган. Чунки давр ўтиши билан мақоллар асосида ётган воқеа-ҳодиса йўқолган ва унутилган ёки мақоллар таркибидаги баъзи бир сўзлар истеъмолдан чиққан, архаиклашган. Натижада мақол таркибидаги сўзларнинг асл маъноси ўқувчига тушунарли бўлмай қолган. Синхроник жиҳатдан маъновий икки планлиликни ташкил этувчи ибораларни эса мақоллардек ўз маъносида талқин қиладиган бўлсак, "бир қайнови ичида гаплар" вужудга келади ва бундан баъзан ижодкорлар шеърятда ҳазил-мутойба йўсинидаги шеърлар ёзишда фойдаланадилар ҳам:

- Дарсада не сабаб конфет

Еб турибсан, Гулойим?

- Тилинган бол томсин,деб,

Тайинлаганлар ойм. [23, 35]

Шунинг учун бундай ибораларда уларнинг иборалигини шубҳа остига кўювчи ҳеч қандай туртки бўлмайди. Синхроник жиҳатдан маъновий икки планлиликни ташкил этувчи мақолларда эса туб ва кўчма маънонинг тасодифан параллел келиб қолиши ва бунда туб маънонинг ҳам, кўчма маънонинг ҳам контекст билан бемалол боғланиб кетиши тадқиқотчини чалғитиб кўйиши табиий. Худди шундай ҳолларда мақолнинг идиоматиклигини аниқлаб берувчи бошқа бир омилга мурожаат қилишга тўғри келади, яъни бундай мақолни ўзига синоним бўлган мақол билан алмаштириб кўриш яхши самара беради. Қуйидаги парчада "Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр" мақоли ўзининг асл маъноси билан параллел келиб қолган:

Ғани. Опкет, нимаики қолган бўлса, ҳаммасини ол. Ойингни қўли теккан деворни ҳам кўчириб кет. Фақат менга тегма. Тинч қўй.

Баҳри. Ана кўрдингизми, ҳали хотин олмасдан бизни бегона қияптилар. Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. Кўрармиз! [3, 210]

Профессор Ш.Раҳматуллаев Л.М.Васильевнинг "Агар иборанинг сўз синоними бўлмаса, бундай иборага нейтрал синоним, одатда, синтактик эркин

бириқма бўлади" [7, 60] деган фикрига эътироз билдириб: "Синтактик эркин бирикмани ҳам фразеологик синонимия билан боғлаб қўйиши ҳар қандай чек-чегарани йўққа чиқаради" [17, 58] - деган қарашига суянадиган бўлсак, ўз маъносидан келувчи мақоллар деб юритилаётган паремаларни ўзига синоним бўлган бошқа (идиоматик) мақоллар билан бир синонимик уяга киритиб бўлмайди, чунки бунда олим ҳақли таъкидлаганидек, синонимларнинг қамров доирасини белгиловчи ҳар қандай чек-чегара йўққа чиқади. Ҳолбуки, юқоридаги парчада қўлланган "Келини келганда кўр, сепини ёйганда кўр" мақоли "Жўжани кузда санайдилар", "Ғалвирни сувдан кўтарганда кўр", "Соёга қараб тўн бичма" каби бир қатор мақоллар билан худди шу ўринда синонимлик ташкил эта олади (Албатта, бунда маънода баъзи бир ўзгаришлар бўлиши табиий). Бу ҳодиса ушбу мақолнинг ҳам идиома эканлигидан дарак беради. Идиома эса маъноси таркибидаги луғавий бирикларнинг тўғри маъноларига боғлиқ бўлмай, яхлит ҳолда бир кўчма маъно берувчи сўз ёки сўзлар боғланмасидир.

Синхроник нуқтаи назардан маъновий икки планлиликни ташкил қилувчи мақолларнинг ўз маъносидан келмаслигини исботловчи яна бир омил улар изоҳли луғатларда қай йўсинда берилишидир. Юқорида синхроник жиҳатдан маъновий икки планлиликни ташкил қилувчи мақоллар сирасига киритилган "Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди" паремасининг "Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати" да берилишига эътибор қаратайлик:

"Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди... "Табиатда ҳам, жамиятда ҳам рўй берадиган ҳар бир воқеа-ҳодисанинг муайян сабаби бор. Сабабсиз ҳеч қандай оқибат бўлмайди. Масалан, одамлар орасида бир гап тарқалибдими - демак, бир иш бор" деган маънода қўлланилади" [25, 286].

Демак, "ҳар бир парема маълум бир даврнинг маҳсули сифатида туғилади, яшайди... Паремалар даврларнинг ўтиши билан силлиқланади, сайқал топади, маълум қолипга тушади. Бора-бора маълум

бир шаклда "қотиб" қуйма ҳолатда қўлланидиган бўлиб қолади" [5, 7].

Ҳозир тадқиқотчилар ўз маъносидан қўлланидиган мақоллар деб юритаётган паремалар ҳам худди шу жараёни бошидан кечирган ва қуйма ҳолатда қўлланидиган бўлиб қолган. Мақоллар туб ва кўчма маъносининг параллел келиб қолиши эса тасодифий ҳолатдир, холос.

Синтактик жиҳатдан мақол ва ибора орасидаги фарқ. Мақоллар камида битта гапга тенг келади, ҳукм характерида бўлиб, грамматик фикр ифодаляйди, ўз ички грамматик қурилиши жиҳатидан ҳам доим гапга тенг бўлади. Улардан англашладиган мазмун фақатгина тасвирий йўл билан очилади: "Дарахт бир жойда кўкаради - Ҳаётингни ўтказиб турган ерининг шарт-шароитига кўник. Агар бу шарт-шароитларни ёқтирмай, иссиқ ўрнингни ташлаб, яхшироқ ерни қилириб кетсанг, бари бир қадр-қиммат топа олмайсан. Ўз ерингга қаноат қилсанг, бора-бора камолга етасан, шундайликча қолиб кетмайсан, биринг икки, ёмонинг яхши бўлади"... [26, 88]

Иборалар гапга атамалик хусусиятига эга бўлиб, лексик тушунча англатади, уларнинг изоҳи, одатда, сўз ёки сўз бирикмаси билан берилиши мумкин. "Оғзинг қани?" - деса, қулогини кўрсатадиган - анқов; ади-бади айтишмоқ - жанжаллашмоқ; жонига ора кирмоқ - оғир аҳволдан қутқармоқ; астар-аврасини ағдармоқ - барча кирдикорларини очиб ташламоқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мақол ҳам, ибора ҳам нутққа тайёр ҳолда киритилади. Мақолларнинг нутққа тайёр ҳолда киритилиши ўзганинг нутқини айнан келтириш талаби билан содир бўлса, иборанинг нутққа тайёр ҳолда киритилишига сабаб унинг турғунлиги, тил бирлиги эканлигидир.

Идиомалашувда мақол ва ибора орасидаги фарқ. Ибора ва мақолнинг идиомалашиб жараёни ҳам турличадир.

Эркин боғланманинг фразеологизмга айланиши, идиомалашуви маънонинг ихтисослашиши, хусусийлашиши, торайиши оқибатида келиб чиқади. Масалан, тарвузи қўлтигидан тушди (қовуни эмас), капалага учиб кетди

(чумчуғи эмас), кўзи тўрт бўлди (беш ёки олти эмас), қовун туширмоқ (тарвуз эмас), кўй оғзидан чўп олмаган (ёчки оғзидан эмас), чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган (каптар ёки қалдирғоч эмас).

Мақолларда эса асос бирлик, яъни матал мақолга айлангунга қадар тўғри маънода ишлатилувчи ҳикмат - гап шаклида бўлади ва аста-секин маънонинг идиомалашуви натижасида мақолга ўтади. Масалан: "Хўжанинг қизи эрга теккунча, туянинг думи ерга тегаети" мақолини олайлик. Туянинг ўзи катта бўлса ҳам, думи калта бўлади, ҳеч қачон ўсиб бориб ерга тегмайди... Хўжалар совчиларга рад жавобини берадилар. Шу туфайли ҳамда хўжалардан ҳадеганда совчилар келавермагани оқибатида хўжа қизлари вақтида турмушга чиқолмай, ота уйида "қари қиз" бўлиб, "ўтириб" қолардилар... "қорача"ларда қари қиз бўлиб қолиш ҳоллари кам учрайди. Қари қизлар, асосан, хўжаларнинг қизлари орасида учрайди. Хўжалар ўзлари қорачаларнинг қизлари ва аёлларига уйланавердилар, аммо ўз қизларини фақат хўжаларга берадилар" [14].

Бунда ўз маъносида ишлатилувчи ҳикматли сўз - матал кўчма маънода ишлатилувчи ҳикматли сўз - мақолга айланар экан, маталнинг мақолга айланиши, идиомалашуви маънонинг кенгайиши оқибатида юз беради.

Яъни "Хўжанинг қизи эрга теккунча, туянинг думи ерга тегаети" мақоли фақатгина хўжа қизлари ҳаёти билан боғлиқ бўлмай, балки барча хўжасифат кишилар тақдирига боғлиқ ҳолларда қўлланаверади.

Гап мақол ва маталга келиб тақалган экан, энди улар ўртасидаги фарқни аниқлашга эҳтиёж сезилади.

Мақол ва матални фарқлаш, чегаралаш хануз муаммолигича қолмоқда, тил ҳодисаси сифатидаги мақол ва маталнинг моҳияти тўла очилмаган. Бизнингча, тилшуносликда мақол ва маталларни маъно томонидан чегаралаш мақсадга мувофиқдир, чунки улар берилётган хабарни ифодалаш характерига кўра бири-бирдан фарқ қилади.

Матал нутқда ахборот бериш воситаси бўлса, мақол шу ахборотни жонли

тимсолларда етказиш, уни далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланади. Масалан, матал: "Хавф-хатардан қўрққан мақсадга етолмас".

**Шу маънонинг мақолларда ифодаланиши:**

Чумчуқдан қўрққан тариқ эмас.

Ўғридан қўрққан мол йиғмас.

Учқундан қўрққан темирчи бўлмас.

Илондан қўрққан олачилвирдан ҳатламас.

Маталларнинг шаклий кўриниши, асосан, ўзгармайди (грамматик шакллар ўзгариши бундан мустасно, албатта):

Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл.

Мақоллар тимсоллар воситасида иш кўрар экан, жамият ҳаёти, халқ турмуши билан боғлиқ ҳолда уларнинг тимсоллари тизмаси - шакли ўзгариб туради:

Бир қинга икки қилич сиғмага [11, 270].

Иккита кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас [4, 256].

Мақолларнинг маталлардан асосий фарқи мақолларнинг идиомалашган кўчма маънога эга эканлиги ва маталлар бу хусусиятга эга бўлмай, фақатгина тўғри маънода қўлланишида кўринади.

"Маълумки, тил кўп қиррали ҳодисаларни акс эттиради, тилда типик, барқарор категориялар билан бир қаторда оралиқ ҳодисалар ҳам учраб туради" [20, 3]. Худди шундай ҳолатни мақол ва матал оралиғида ҳам кўриш мумкин. "Мақол ва матал оралиғида кенг кўламда мақол-матал типидagi ифодалар жойлашган бўлиб, улар ўзида мақоллик ва маталлик хусусиятларини акс эттиради. Бундай ифодаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда бир қисм сўзлар ўз маъносида ишлатилса, иккинчи қисми кўчма маъно ифодаляди" [9, 11]. Масалан:

Бой бойга боқар, Сув сойга оқар.

Ҳамсоя ҳамсоядан улги олар, Қовун қовундан ранг.

Демак, тилда мақол деб юритилувчи алоҳида бирлик, матал номи остида ўрганилиши лозим бўлган айримлик ва бу икки бирлиكنинг қўшилишидан ҳосил бўлган учинчи алоҳидалик мавжуд ва буларнинг алоҳида-алоҳида лугатларини яратиш кечиктириб бўлмас лексикографик юмушдир.

Мақолнинг ибора, идиома, матал билан муносабатининг ўхшаш ва фарқли хусусиятларини ўрганиб, унинг тил/нутқ бўлинишидаги ўрни масаласида тўхталиш мумкин.

Мақолларни узил-кесил бир босқичга - тил ёки нутқ босқичига ҳеч қандай шартсиз нисбат бериш мумкин эмас. Улар синтактик қурилиши жиҳатидан нутқий ҳосила моҳиятига эга бўлгани ҳолда, маъно жиҳатидан лисоний бирлик табиатига эгадир. Мақоллар тил/нутқ зидланишида

оралиқ учинчи бирлик мавқеида туради.

Тилда мақол ҳам, ибора ҳам, идиоматик сўзлар ҳам семантик жиҳатдан битта умумийлик асосида бирлашади, бу ҳам бўлса, барчасининг маъноси таркибидаги бирликларнинг туб маъносидан келиб чиқмай, умумий кўчма маъно ифодаланиши, яъни идиома характериға эга бўлишидир. Шундай экан, бу бирликларнинг барчаси бир ўринда мукамал ўрганилиши учун "Фразеология" бўлими "Идиоматика" деб номланиши мақсадга мувофиқдир.

### Адабиётлар:

1. Айний С. Дохунда. -Тошкент, 1956. Б. 36. (Ayni S. At the end. - Tashkent, 1956. B. 36.)
2. Ахмедова З.Г., Трахова А.Ш. Лингвокультурологический подход к изучению адыгейских пословиц и поговорок. Язык. Этнос. Сознание. Материалы международной научной конференции (24-25 апреля 2003 года). Том 1. - Майкоп, 2003. С. 34-41. (Akmedova Z.G, Trakhova A.Sh. Lingvocultural approach to the study of the Heydanskuy proverbs and sayings. Tongue. Ethnos. Consciousness. Materials of the international scientific conference (April 24-25, 2003). Volume 1. -Maykop, 2003. p. 34-41.)
3. Аҳмад С. Филдирак. Қисса, ҳикоялар. Пьесалар. Резиллар. -Тошкент: Ёш гвардия, 1989. Б. 210. (Ahmad S. Wheel. Stories, stories. Pesas. The rats. -Tashkent: Youth Guard, 1989. 210.)
4. Аҳмад С. Жимжитлик. -Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. Б. 256. (Ahmad S. Silence. - Tashkent: Publishing and publishing of Gafur Gulom, 1989. B. 256.)
5. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик лугати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1984. Б. 7. (Berdiyurov H., Rasulov R. Paremiological Dictionary of Uzbek language. -Tashkent: Teacher, 1984. 7, 286.)
6. Бочина Т.Г. Контраст как лингвокогнитивный принцип русской пословицы: автореф. дисс. ...док. филол. наук. - Казань, 2003. С. 50. (Bochina T.G. Contrast as the linguo-cognitive principle of the Russian proverb: author. diss. ... doc filol. sciences. - Kazan, 2003. p. 50)
7. Васильев Л.М. Несколько замечаний о лексико-фразеологической синонимике русского языка. Уч. зап. Башкирского госуниверситета. Вып. 8, 1961. С.60. (Vasilev L.M. Neskolko zamechaniy o lexiko-frazeologicheskoy synonymimike russkogo yazyka. Three. zap Bashkirkского state university. Vyp. 8, 1961. S.60.)
8. Ганиева Ш.А. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш): филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. - Фарғона, 2017. - 155 б. (Ganieva Sh.A. Structure of the Uzbek Phraseologism (Form and Conceptual Modeling): Filol. PhD in Philosophy (dissertation) - Farghona, 2017. - 155 p.)
9. Жуков В.П. Словарь русских пословиц и поговорок. - Москва: Советская Энциклопедия, 1966. С. 11, 536. (Zhukov V.P. Dictionary of Russian proverbs and sayings. -Moscow: Soviet Encyclopedia, 1966. P. 11, 536.)
10. Карриев Б.М. Туркменские пословицы и поговорки. - Ашхабад, 1961. С.16. (Karriev B.M. Turkmen proverbs and sayings. - Ashgabat, 1961. P.16.)
11. Қодиров П. Сайланма. Уч жилдик. Учтинчи жилд. Юлдузли тунлар. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. Б. 270. (Qodirov P. No choice. Three volumes. Third volume. Starry night. -Tashkent: Publishing and publishing of Gafur Gulom, 1988. B. 270.)
12. Ларин В.А. Очерки по фразеологии. Уч. зап. Ленинградского университета, №198. Вып. 24. С. 200. (Larin V.A. Essays on phraseology. Uch. Zap. Leningradskogo University, №198. Issue 24. p. 200.)
13. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: филол. фанлари д-ри ... дисс. -Тошкент, 1999. - 11, 317 б. (Mamatov A.E. Issues of formation of the Uzbek language frazeology: philolog. fan doctor ... diss. avtoref - Tashkent, 1999. P. 11, 317.) (Mamatov A.E. Problems of forming of the Uzbek language frazeology. 10.02.02. National languages (Uzbek language): filol. science doctor .... diss. - T., 1999. - 317 p.)



14. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. (Nalivkin V., Nalivkina M. Essay on the life of a woman of a sedentary native population of Fergana.)
15. Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари: филол. фанлари д-ри ... дисс. - Тошкент, 2016. - 248 б. (Nasirov A.A. Semantic-stylistic and national-cultural characteristics of proverbial frazeology in French, Uzbek and Russian: philolog. science d-ri ... diss. - Tashkent, 2016. - 248 p.)
16. Порхомовский М.В. Язык турецких пословиц (грамматическим и лексический аспекты). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. - Москва, 2009. С. 30. (Porkhomovsky M.V. The language of Turkish proverbs (grammatical and lexical aspects). Abstract of thesis for the degree of candidate of philological sciences. - Moscow, 2009. P. 30.)
17. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масаллари. - Тошкент: Фан, 1966. Б. 58. (Rahmatullaev Sh. Some aspects of Uzbek frazeology. - Tashkent: Science, 1966. 58.)
18. Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. -Т. Фан, 1955. 26 =б. (Rahmatullaev Sh. The basic types of phrazeological units. -Tashkent: Fan, 1955. P. 26.)
19. Саримсаков Б.И., Мусакулов А.К. Узбекские народные пословицы. - Ташкент: Фан, 1983. - 232 с.
20. Фёдоров А.К. Трудные вопросы синтаксиса. - Москва: Просвещение, 1972. С.3. (Fedorov A.K. Difficult syntax issues. - Moscow: Enlightenment, 1972. P.3.)
21. Фелицина В.П., Мокиенко В.М. Русские фразеологизмы. - Москва: Русский язык, 1990. С. 7, 8. (Felitsina V.P., Mokienco V.M. Russian idioms. - Moscow: Russian language, 1990. p. 7, 8.)
22. Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик талқини (лингвумаданий аспект): филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. - Тошкент, 2017. - 144 б. (Holmuradova L.E. Thematic and ideological interpretation of the figurative and motivated phraseology in English and French languages (linguistic aspect): philolog. PhD in Philosophy (dissertation) - Tashkent, 2017. -144 p.)
23. Шарипова С. Умид. -Бухоро, 1994.Б. 35. (Sharipova S. Hope. -Bukoro, 1994.В. 35.)
24. Шомақсудов Ш., Долимов С. Кенг уйнинг келинчаги. -Тошкент: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1961.Б. 77-78. (Shomaqsudov Sh., Dolimov S. The spacious home bride. -Tashkent: The State Art Literature of the Uzbek Soviet Socialist Republic, 1961. 77-78.)
25. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ўзбек мақолларининг изоҳли лугати. Нега шундай деймиз. -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. Б. 286.
26. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. - Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. Б. 88. (Shomaqsudov Sh., Shorahmedov Sh. Hikmatnaya. - Tashkent: Main Soviet of the Soviet Encyclopedia, 1990. B. 88, 375.)